


# ЯНГИ ЙИЛНИНГИЗ МУБОРАК БУЛСИН!

ILM OLMOQQA INTILISH - HAR BIR MUSLIM VA MUSLIMA UCHUN QARZ-U FARZ

## ZIYO CHASHMASI



ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

\*\* № 1-2 (189-190) \*\* 2011 YIL, YANVAR \*\*

ISSN-2010-9393

1993 YIL, 21 MARTDAN CHIQA BOSHLAGAN

*Хурматли профессор-ўқитувчилар,  
азиз талабалар, институтимизнинг  
барча ходимлари!*

*Сизни 2011 йил билан ён  
қалбимиздан табриклаймиз ҳамда  
педагогик фаолиятингизга ривож,  
онлангизга сиҳат-саломатчилик  
пилаймиз!*

Институт ректорати, Касаба  
уюшмалари қўмитаси,  
Хотин-қизлар қўмитаси,  
«Камолот» ёшлар ижтимоий  
ҳаракати бошланғич ташкилоти.



### Ахборот

### «ХУҚУҚИЙ ТАРГИБОТ ПОЕЗДИ» ЖИЗЗАХДА

Тошкент Давлат юридик институти «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотининг «Хуқуқий тарғибот поезде» лойиҳаси доирасида ушбу гуруҳнинг институтимиз фаол талаба-ёшлари билан учрашуви бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 18 йиллиги, муҳтарам Юртбошимиз И. А. Каримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» ва «Мамлакатимизни модернизация

қилиш йўлини изчил давом эттириш — тараққиётимизнинг муҳим омилidir» деб номланган маърузалари мазмун-моҳияти билан кенг ёшлар оммасини таништириш, ёшларнинг сиёсий-хуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш мақсадида ўтказилди. Шунингдек, «Тенгдош-тенгдошга» усули асосида ҳар иккала институт ёшлари алоқаларини мустаҳкамлашга эришилди.

Тадбир институтимиз талабаларида катта таассурот қолдирди.

Ф. ҚУШНАЗАРОВ.

### ЎЗГАРТИРИШЛАР БИЛАН ТАНИШТИРИЛДИ

Институтда Ўзбекистон Республикаси Куролли кучлари сафида ҳарбий хизматни ўтаб, талабалikka қабул қилинган ёшлар билан давра суҳбати ўтказилди. Давра суҳбати давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 31 октябрдаги ПҚ-213-сонли қарорининг институтдаги ижроси хусусида тўхталиб ўтилди. Ҳарбий қисм тавсияномаси билан институтда таҳсил олаётган талабаларнинг дарсларни ўзлаштириши ва жамоат ишларидаги иштироки масаласи муҳокама қилинди ва талабалар ПҚ-213 сонли қарорга киритилган янгиликлар билан таништирилди, факультетлар ўқув ишлари бўйича декан ўринбосарларининг мазкур соҳадаги янги вазифалари белгиланди. Янги тартибга мувофиқ рейтинг баллари 71 фоиздан юқори бўлган талабалар Марказий Кенгашга тавсия қилинади.

Д. БЕКТЎРАЕВА,  
«Зиё чашмаси» ходими.

### БУЮК ШОИРНИ ЭСЛАБ

Талабалар турар жойида халқимизнинг ардоқли фарзанди, етук шоир ва адабиётшунос, жамоат арбоби Ҳамид Олимжон таваллудининг 101 йиллигига бағишлаб адабий-бадиий кеча ўтказилди. Тадбир ўзбек адабиёти кафедраси ташаббуси билан уюштирилди. Кафедра мудири, доцент И.Икромов адиб ижодининг бугунги кундаги ва келажак авлод маънавиятини шакллантиришдаги ўрни ҳақида гапирди. Кафедра ўқи-

тувчилари доцент Ю.Каримова «Ҳамид Олимжон — навоийшунос», профессор О. Жўраев «Ҳ. Олимжон — адабиётшунос, тарихчи», доцент Н. Соатова «Ҳамид Олимжоннинг драматургия соҳасидаги маҳорати», филология фанлари номзоди А.Турсунқулов «Ҳамид Олимжон ва халқ оғзаки ижоди», Т.Кўчқоров «Ажойиб сўз санъаткори», ахборот-ресурс маркази мутахассиси Н.Кенжаева «Бахт ва баҳор жар-

чиси» мавзуларида маъруза қилдилар.

Ахборот-ресурс маркази бош библиографи С.Исроилова шоир асарларидан ташкил этилган китоб кўргазмасига шарҳ берди.

Тадбирда шоир асарлари асосида тайёрланган адабий-бадиий композиция намойиш этилди.

М. АБДУЛЛАЕВ,  
«Зиё чашмаси» муҳбири.

### ЁШЛАР - «КАМОЛОТ» САФИГА!

Яқинда 1-босқич талабаларини «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотига қабул қилиш тантанали маросими ўтказилди. Тантанали йиғилишнинг институт маънавий-маърифий ишлар проректори, доцент А. Тангиоров

очди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси Ф. Акчаев камолотчиларни қизғин табриклади ва уларнинг ўқиш ҳамда жамоат ишларида муваффақиятлар тилади.

Тантанали йиғилишда бирин-

чи босқич талабалари институтнинг номдор стипендиялари совриндорлари билан таништирилди. Шунингдек, ўзбек филологияси факультетининг 2-босқич талабаси, ижодкор Маҳбуба Усанованинг шеърлар тўплами тақдироти ўтказилди.

Г. АҲМАДОВА,  
«Зиё чашмаси» муҳбири.

Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият факультетининг 1-босқич талабаси Ирода Матмуродова Дзю-до бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақаларида фаол қатнашиб, 78 килограмм вазндаги тенгдошлари орасида голибликка этишди ва биринчи даражали диплом билан мукофотланди.



# МУРОЖААТГА ЖАВОБАН

Халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгашининг 2010 йил 29 декабрда бўлиб ўтган VII сессиясида Жиззах вилояти фаолларининг фуқаролар, тadbиркорлар, фермерлар, деҳқонлар, боғбонлар, зиёдилар, шифокорлар, маҳалла раислари, депутатлар, корхона, ташкилот ва идоралар раҳбарларига қарата қабул қилган мурожаатномасига жавобан институтимиз жамоаси ҳам ўзининг тadbирлар режасини ишлаб чиқди.

Биринчи навбатда вилоят фаолларининг мурожаатномаси профессор-ўқитувчилар, талабалар ва ходимлар ўртасида кенг муҳокама қилинди. "2011 — Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йили" Давлат дастури асосида ҳаракат дастури қабул қилинди. Вилоят аҳолиси ўртасида мазкур ҳужжат юзасидан кенг тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориш, бунда "Фидойилар гуруҳлари" имкониятларидан унумли фойдаланиш, институт

худудида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини янада яхшилаш чоралари кўрилди. Жумладан, институт худуди ва ўзлари яшайдиган хонадонлар атрофига ҳар бир ходим, ўқитувчи ва талаба 20 тупдан мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиши режалаштирилди, Зарбдор туманидаги И. Қурбоннов номли ва "Бўстон" ҳўжаликларига бириктирилган профессор-ўқитувчилар томонидан фермерлар фаолияти ва масъулиятини ошириш ва уларга бу борада амалий ёрдам кўрсатишга келишилди.

Институтнинг ички имкониятларидан келиб чиқиб, боғдорчилик билан шуғулланидиган ёрдамчи ҳўжалик ташкил этиш, боғдорчилик, паррандачилик, узумчилик, сабзавотчилик билан шуғулланувчи профессор-ўқитувчилар ва ходимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қарор қилинди.

Д. БЕКТЎРАЕВА.

## ● Институт ва ота-оналар ҳамкорлиги

# «УСТОЗ-ШОГИРД» ТИЗИМИ ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАБ

Педагогика факультети 105-гуруҳ талабаларининг Ота-оналари билан ўтказилган йиғилишни факультет декани, профессор Х.Тўрақулов кириш сўзи билан очди.

Баркамол авлод йили дастури ҳамда ота-оналар кўмитаси Низомининг бажарилиши, "Устоз-шогирд" тизими фаолиятини кучайтириш, хотин-қизлар бошланғич ташкилоти ишини яхшилаш борасидаги муҳим вазифалар кенг муҳокама қилинди. Бу ҳақда факультет ота-оналар кўмитаси раиси, доцент Ё.Алимқулов, факультет мураббийлар кенгаши раиси ўқитувчи Х.Шукурова, бошланғич хотин-

қизлар ташкилоти раиси, катта ўқитувчи Ф.Исроилова чиқиш қилдилар.

Кўрилган ва муҳокама қилинган масалалар бўйича муҳим тadbирлар белгилаб олинди. Айниқса, институт ректорининг "Устоз-шогирд" тизими ҳақидаги буйруғига асосан ҳар 10 нафар талабага бир нафар профессор-ўқитувчи раҳбарлик қилиши ва ёшлар билан мунтазам иш олиб бориш зарурлиги таъкидланди.

Ота-оналар билан ўқитувчилар ўртасидаги мулоқот ва савол-жавоблар тарбиявий ишларни янада яхшилашга ёрдам бериши муқаррар.

О. РАВШАНОВ, катта ўқитувчи.

# ЯНГИ ЙИЛ АРАФАСИДА УЧРАШУВ

Янги йил арафасида Педагогика-психология, муслиқ таълим, мактабгача таълим ва болалар спорт, дефектология йўналиши талабалари ота-оналарининг ўқитувчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Маънавий-маърифий ишлар проректори, доцент А.Тангиоров кириш сўзида талабаларнинг ўқиши, кийиниш маданияти бўйича Ота-оналарнинг вазифалари

ҳақида гапирди.

Профессор Х.Мелиев жамоат ишларида фаоллик кўрсатган ва ўқишда намуна бўлаётган талабаларга фахрий ёрликлар топширди.

Бундай учрашувларни вақти-вақти билан ўтказиб туришга келишиб олинди.

О. МАМАТҚУЛОВА, йўналиш 107-гуруҳ талабаси.

## ● Мулоҳаза, мунозара, мусоҳаба

# ГИЁҲВАНДЛИК ТАҚДИРМИ ЁХУД ИХТИЁРИЙ ТАНЛОВ?

Бугунги кунда дунёда юз бераётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар шунчалик бир бирига боғланиб кетганки, инсон ҳаётининг деярли барча соҳаларида шахсларга, жамиятларга ва бутун бир давлатларга ўз таъсирини ўтказувчи глобал тизимларни кузатиш мумкин. Буларнинг барчаси дунё миқёсида миллий манфаатлар кураши билан бирга, гоё ва мафқуралик, қадрият ва дунёқарашлар ўртасидаги зиддият ва қарама-қаршиликлар ҳеч қачон барҳам топмаслиги, айниқса бугунги кунда янгилашадиган кескинлашиб бораётганини кўрсатади.

Бундай зиддият ва курашлар марказида миллий-тарихий қадриятлар ва "универсал", яъни, ҳаммабоп "ўта замонавий" деб ном олган "маданият"ларнинг тўқнашувини кўриш мумкин. Ана шу тўқнашувлар гирдобиди айрим мафқуравий иммунитетти сусти, дунёқарашни бўш шахслар билиб билмай ет қоялар таъсирига тушиб қолаётганлиги, халқ, миллат ва ватан олдидаги бурчи, масъулиятини унутаётганлиги кўзга ташланмоқда. Бундай қиёфадаги шахслар сирасига ҳеч иккиланмасдан гиёҳвандлик гирдобидегиларни қўшиб қўшимиз мумкин.

Бундай шахслар билан суҳбат қилганингизда уларнинг айбисиз эканликларини исботлашга ҳаракат қилишади. Зеро, миллат келажакига раҳна солишга, энди дунёга келаятган тўқнашувни мажруҳ ҳолда туғилишларига сабабчи бўлишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ. Гиёҳвандларнинг бу йўлга кириб қолишлари уларнинг иродасизликлари, билим савийаси пастлиги ва энг аввало оиладаги тарбиянинг етарли даражада эмаслигидандир. Кўп холларда бу тоифадагилар ўзларини оқлашлари учун баҳона тайер, эмишки, бу кўргуликлар ҳаммаси тақдирдан.

Дарҳақиқат, инсоният олдида ҳар доим бир қанча саволлар кўндаланг турверади. Бу ҳаётда яшайдиган мақсад нима? Бизнинг ҳаётимизда бўлиб ўтаётган барча воқеа-ҳодисалар манбаи нима? Биз билан содир бўлаётган яхшилик ва ёмонликлар барчаси

мақоламизда гиёҳвандлик домига тушиш ихтиёр эркинлигини ёки тақдир масаласи ҳақида фикр юртмоқчимиз.

Ихтиёр этиш ўз маъносини билан бирор нарсани танлаш демакдир. Шу нуқтаи назардан, ихтиёр эркинлиги мавжуд бўлиши учун албатта, қамаида иккинчи тараф бўлиши керак. Яъни инсон олдида ҳар доим бир қанча танловлар туради ва уни инсон ўз ихтиёри ила танлайди. натижада ихтиёр эркинлиги вужудга келади. Бу борада Абу Мансур ал-Мотурудийнинг "Китоб ал-таъвҳид" асарига берилган куйидаги фикрни келтириш ўринли: "Хатти-ҳаракатлар ҳам Аллоҳга, ҳам инсонга нисбат берилиши керак. Уларни Аллоҳ яратади, аммо инсон танлайди, ўзлаштиради ва бажаради."

Ислоҳ оламида айнан шу масалалар юзасидан турли тоифалар ўртасида ихтилофлар мавжуд. Масалан, жабарийлар барча амаллар Аллоҳдан деб билади ва инсон барча гуноҳлари учун маъзури эканини даъво қилади. Яъни ихтиёр эркинлигини инкор этишади. Қадарийлар эса, аксинча, инсонни мутлақо эркин, барча амаллар фақат унинг ўзига боғлиқ деб билади ва ирода ҳам, амал ҳам одамники, унга Аллоҳнинг ҳеч қандай таъсири йўқ, киши яхшими, ёмонми — ўз тақдирини ўзи яратгани учун охирада хайрли ишга

# ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИГА БАҒИШЛАБ



14 январ куни институтнинг Маданият саройида Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишни институт ректори, профессор О.Дўсмаатов кириш сўзи билан очди

ва барчани байрам билан муборакбод этди. Ижтимоий фанлар кафедраси доценти Ф.Маматқулов "Ватан ҳимояси — муқаддас бурч" мавзусида маъруза қилди. Байрам қатнашчиларини Ижтимоий фанлар кафедраси профессори Ф.Аҳмедшина, Ўзбекистон Республикаси Президентининг стипендияси совриндори, хорижий тиллар факультети 4-босқич талабаси Д.Ҳайдарова табрикладилар.

Бир гуруҳ афгон уруши қатнашчилари ва чернobilчиларга пул мукофотлари топширилди.

Тантанали йиғилиш сўнгида бадий қисм намойиш этилди.

Ўз мухбиримиздан.

## ● Илмий изланишлар

# УСТОЗНИНГ ЯНГИ КИТОБИ

Педагогика фанлари номзоди Маҳфуза Муртозаева Алиқулованин "Бўлажак ўқитувчиларда экологик маданиятни шакллантириш" деб номланган монографияси "Фан" нашриётида босмадан чиқди.

Институтимиз "Дефектология, махсус психология назарияси ва технологиялар" кафедраси катта ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди М.М.Алиқулованин "Ўрта Осиё алломаларининг экологияга оид қарашлари асосида тайёрлаган ушбу илмий монографияси экологик тарбияни янада такомиллаштириш ва талаба-ёшларнинг экологик маданиятини ошириш масалаларига бағишланган.

Бўлажак мутахассисларнинг билим олишлари, тарбияси, касбий тайёргарлиги масалалари мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат курилиши, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Ёш авлод онгида шахс фаолияти мазмуни, унинг маънавий-ахлоқий тамойиллари, табиатга масъулиятли ёндошуви, табиий бойликларни сақлаш, улардан оқилона фойдаланиш ҳамда бойитишга оид тушунчаларни шакллантириш муаммонининг ижобий ечимини топишнинг ижтимоий-педагогик кафолоти саналади.

Мазкур китоб мутахассислар, ушбу соҳа бўйича таълим олаётган бакалаврлар ва магистрлар, докторант — аспирантлар ҳамда педагогик йўналишда изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар учун мўлжалланган.

М. БЕРКИНОВ,

Педагогика-психология йўналиши 4-курс талабаси.

## ● Одам савдосига қаршимиз!



Институтда вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари иштирокида ўтказилган одам савдосига қарши кураш ишлари самарадорлигини оширишга бағишланган семинар-йиғилиш қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

Семинар-йиғилишни институт маънавий-маърифий ишлар проректори, доцент А.Тангиоров кириш сўзи билан очди. Жиззах вилоят ички ишлар бошқармаси

# ИШИМИЗДА САМАРА БЎЛСИН

жиноят кидирув ва терроризмга қарши кураш бўлими бошлиғи А.Жабборов "Одам савдосига қарши кураш самарадорлигини ошириш чора-тadbирлари" мавзусида маъруза қилди. Шунингдек, жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар суди раиси Қ.Холмуродов, Жиззах вилоят адлия бошқармаси бош маслаҳатчиси О.Ҳасанов, фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилоят суди катта мутахассиси Х.Абдувоитов, вилоят адвокатлар палатаси аъзоси, адвокат Э.Умиров, "Камолот" ЕИҲ вилоят кенгаши етакчиси У.Рисқулов ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Маърузачи ва сўзга чиққан нотиклар одам савдоси-инсон шаъни, кадр-қиммати, осойишта турмуши ҳамда келажакига таҳдид солаётган трансмилий уюшган жиноятчилик кўринишларидан бири бўлиб, ўзининг чегара танламаслиги ҳамда гирдобига асосан ёшлар ва аёлларни тортаётганлиги билан барчада катта ташвиш ва хавотир уйғотаётганлигини таъкидладилар. БМТ маълумотларига кўра, дунёда ҳар йили тахминан 2 миллион 700 мингта шахс, жумладан 600 мингтадан 800 мингтагача аёллар ва болалар одам савдоси қурбонига айланади.

2003 йил 8 июлда "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тadbирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Президентининг 911-сонли қарори, 2008 йил 17-апрелда "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тadbирлари тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши ва одам савдоси бўйича Идоралараро комиссия ўз фаолиятини бошлаши мамлакатимизда шу туркумдаги жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим омил бўлмоқда. Бундан ташқари 2008 йил 5 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича республика реабилитация марказини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Хулоса қилиб айтганда, ушбу иллатга қарши курашни кучайтириш бўйича барча дастурий ҳужжатлар мавжуд. Эндиги вазифа-жойларда шу тарздаги жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, айниқса ёшлар орасида тарғибот ишларини кучайтириш, уларнинг ҳушёрлигини оширишдан иборат.

И.УМАРОВ.

Маънавият ва маърифат бўлими услубчиси.

Фаррух АҚЧАЕВ, "Камолот" ЕИҲ бошланғич ташкилоти етакчиси.

2010 йил  
сарҳисоби

Ўқув жараёнини

Такомиллаштириш — бош вазифа

Н. АЛИМОВ,

ўқув ишлари проректори

машгулотларини замонавий педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларидан фойдаланган ҳолда юқори савияда ўтказиш асосий омилардан ҳисобланади. Бу

борада айниқса, ўз соҳаси бўйича таникли ёки мактаб яратган, илмий даража ва унвонларга эга бўлган профессор-ўқитувчиларнинг очик дарслари муҳим аҳамият касб этади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги 25-сонли қарорига биноан доцент ва профессор илмий унвонларига талабгорлик қилувчи педагог кадрлар ҳам очик маърузалар ўтказдилар. Ўқув йили давомида 100 дан ортиқ очик маърузалар ўтказилди. Очик маърузаларда институт профессор-ўқитувчилари, ишлаб чиқариш етакчи мутахассислари ва истеъмоли ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар. Бундан ташқари ҳар бир кафедра профессор-ўқитувчиларининг ўзаро дарсга кириш тадбири ҳам ишлаб чиқилиб амалга оширилмоқда. Бу ўқитувчиларнинг дарс ўтиш услубларининг оммалаштириш, ўз камчиликларини ўзаро тузатишларга ёрдам бермоқда.

2009-2010 ўқув йилида ўқув режасига асосан ўтказилган барча турдаги малакавий амалиётлар учун институт, факультет ва кафедраларда намунавий малакавий амалиёт дастури ва малакавий амалиёт ишчи дастурлари ишлаб чиқилган бўлиб, барча амалиётлар ушбу ишлаб чиқилган дастур ва ишчи дастур асосида, ўқув режасида кўрсатилган муддатларда, институт ректорининг буйруқларига асосан белгиланган жойларда ўтказилди.

Педагогик амалиётлар бошланишидан олдин барча факультетларда, бўлимларда, деканат ва масъул услубий кафедралар томонидан ташкил этилган дастлабки (йўриқнома берувчи) анжуманлар ўтказилди.

Амалиётчи талабаларининг педагогик амалиёт давомида амалга оширган ишлари ва амалиётга доир ҳужжатлари масъул кафедраларининг услубчи профессор-ўқитувчилари томонидан таҳлил қилиниб, талабалар

педагогика ва психология фани бўйича услубчи ўқитувчилари, мутахассис фан ва кўшимча мутахассис фан услубчи ўқитувчилари ҳамкорлигида қўйилган балл ва баҳолар асосида бош услубчи ўқитувчи томонидан умумлаштирилиб баҳоландилар.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2010 йил 69-сонли «2010 йилда ўқувчиларнинг ёзги дам олиш мавсумини ташкил этиш тўғрисида»ги буйруғида кўрсатилган вазифаларни бажариш мақсадида ёзги болалар оромгоҳида 1-босқичда педагогик амалиёт ўтказувчи талабаларга яқуний назоратларини муддатдан олдин топширишга рухсат берилди.

Амалиёт давомида талабалар болалар билан ишлаш усулларини ўрганишди ва назарий билимларини амалиётда қўллаб кўришди, ҳамда кўникма ва малакаларини оширишди.

Барча факультетларнинг кундузги бўлимларида ўтказилган ўқув(дала) ва ишлаб чиқариш амалиётлари масъул кафедралардаги тасдиқланган тегишли ўқув дастурлари ва ишчи дастурларига асосан ўтказилди.

Ўтказилган ўқув(дала) ва ишлаб чиқариш амалиётлари бошланмасдан олдин факультет деканати ва масъул кафедра томонидан йиғилиш ўтказилиб, унда талабаларга амалиётларнинг мақсади, ўтказилиш тартиби ва кафедра томонидан белгиланган топшириқлар ҳақида тушунчалар берилди.

2011 йилда ўқув ишларида эришган ютуқларимизни янада мустаҳкамлаш ва йўл қўйилган айрим камчиликларни бартараф этиш борасида иш олиб борамиз ва янги йилда ўқув жараёнини янада оширишга эришамиз.

Жиззах давлат педагогика институти жамоаси Президент И. Каримовнинг фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари ва қарорлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳайъат қарорлари, буйруқлари, модномалари, шунингдек, Жиззах вилояти ва шаҳар ҳокимликларининг қарор ва кўрсатмаларини ҳаётга тадбиқ эта бориб 2010 йилида муайян ишларни амалга оширди. Ўқув жараёни, маънавий-маърифий ва илмий тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш, ўқув жараёнига илғор педагогик технологияларни қўллаш, талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг тизимини такомиллаштириш, ўқув моддий базани мустаҳкамлаш борасида бир қатор ижобий натижаларга эришилди.

Институтда ҳозирги кунда 18 та бакалавр йўналишида кундузги, 8 та ихтисослик бўйича аспирантурада талабалар таҳсил оломоқдалар. Бундан ташқари 7 та бакалавр йўналишидаги махсус сиртки бўлимда 314 битирувчи талабалар таҳсил оломоқдалар.

Институтда 8 та факультет ва 32 та кафедра мавжуд. Бу факультетларда турли миллат халқларининг 5881 нафар талабалари кундузи таҳсил олишмоқда.

Республикамизда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни рўёбга чиқаришнинг учинчи босқичида (2005 ва ундан кейинги йиллар) тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш амалга оширилмоқда.

2010 ўқув йилида институтда талабалар билимини баҳолаш Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 25 августдаги 333-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида Низом» асосида амалга оширилди. Бу Низомни ўқув жараёнига тадбиқ этиш учун барча кафедра мудирилари ва факультетларнинг ўқув ишлари бўйича декан ўринбосарлари иштирокида амалий семинар ташкил этилди. Унга биноан ҳар бир фандан талабаларнинг билимини 100 баллик тизимда баҳоланди.

Ўқув жараёнида рейтинг тизими қуйидагилар асосида қўлланилиб келинмоқда: — Жорий назоратда фаннинг мавзулар бўйича талабанинг билим ва амалий кўникма даражаси аниқланиб, календар тематик режада белгиланган муддатларда дарс жадвалига мувофиқ амалий, семинар ва лаборатория машғулотида ўқитувчи томонидан сўров ўтказиш, тест саволларига жавоб бериш, суҳбат, назорат иши, уй вазифаларини текшириш ва шу шаклларда ўтказилиб гуруҳ ва профессор-ўқитувчи журналига қайд қилинади.

— Оралиқ назоратда талаба томонидан фаннинг бир неча мавзуларини ўз ичига олган бўлими ёки қисми бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларини ўзлаштириш даражаси баҳоланади. Оралиқ назорат фан хусусиятидан келиб чиққан ҳолда маъруза ва амалий машғулотлар вақтида кафедра томонидан белгиланган кунда ва шаклда (ёзма, оғзаки, тест ва ҳ.к.) ўтказилади ҳамда гуруҳ ва профессор-ўқитувчилар журналларига қайд этилади.

Рейтинг натижалари (календар тематик режада белгиланган вақтида ўтказилгандан сўнг) кафедрада, деканатда ва умумлашган ҳолда институт Илмий кенгашида таҳлил ва муҳокама қилинади. Шу асосида қолоқ талабалар аниқланади ва иш режаси асосида улар билан кўшимча машғулотлар ўтказилади. Рейтинг натижалари узлуксиз равишда деканатларда ташкил қилинган рейтинг доскасида еритиб борилади.

Ёшларимизнинг онги, қалби, тафактури, дунёқарашини забт этиш учун микёсида шиддатли ва мўрсоасиз гоёвий курашлар кетаётган ҳозирги шароитда талабаларнинг бўш вақтини ҳамда дарсга қатнашишини тўғри ташкил қилиб доимий равишда назоратда тутиш керак.

Бу борада институтимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Олий ўқув юртларида ўқув ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш тўғрисида»ги 1999 йил 29-март 99-сонли буйруғига амал қилган ҳолда талабалар давомати доимий равишда назоратга олиб борилади. Талабалар давомати деканат томонидан

Ёшларимизнинг онги, қалби, тафактури, дунёқарашини забт этиш учун микёсида шиддатли ва мўрсоасиз гоёвий курашлар кетаётган ҳозирги шароитда талабаларнинг бўш вақтини ҳамда дарсга қатнашишини тўғри ташкил қилиб доимий равишда назоратда тутиш керак.

тектирилиб, ўқув бўлимида кунига йиғилади. Шу асосда вазирликка мунтазам равишда кунлик тезкор маълумот бериб турилади. Талабалар давомати ўқув бўлими томонидан ҳар ўқиш кунини назорат қилиб турилади. Ҳафта охирида факультетлардан талабалар давомати ўқув бўлимида яқунланиб, ректоратнинг ҳар душанба кунини бўладиган ишлаб чиқариш йиғилишида муҳокама қилинади.

Сабабсиз 12 соатдан ортиқ дарс қолдирган талабаларга ҳайфсан, 18 соатдан ортиқ дарс қолдирган талабаларга қаттиқ ҳайфсан эълон қилиниб, уларнинг ота-оналари чақиртирилиб, фарзандларининг хулқ-атвориغا изоҳ бериш талаб этилди.

2010-ўқув йилида институт бўйича доимий дарс қолдирувчи 102 та талабани муҳокама қилиш, ота оналари билан суҳбат уюштириш ва кескин чоралар кўриш натижасида 71 та талабага ҳайфсан эълон қилинди, 31 та талаба талабалар сафидан четлаштирилди.

Талабалар томонидан фанларни мунтазам, тизимли тарзда, белгиланган муддатларда ўзлаштирилишини ташкил этиш, уларда мустақил ишлаш ва фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш, адабиётлар билан мустақил ишлашни ташкил этиш ва рейтинг тизимини амалдаги муваққат Низом асосида амалга ошириш борасида ўтказилган тадбирлар ўқув жараёнини талаб даражасида яқунлашга асос яратди.

2010-ўқув йилида талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткич даражасини билиш учун уларнинг жорий назорат, оралиқ назорат, яқуний назорат турларидан рейтинг аниқланди. Рейтинг назоратлари ЖН, ОН, ЯН ўтказилишини самарали ташкил қилиш ва натижаларини расмиyllаштириш, уни ўз вақтида таҳлил қилиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Яъни, дастлаб фанларнинг хусусияти, неча семестр давом этилиши, семестрдаги ҳафталик ўқув юкламаси соатлари ўрганилиб яқуний назоратлар сони аниқланди. Ҳамда шулар асосида ҳар бир семестрда яқуний назорат олинган предметлар сони аниқланиб, ўқув йили бошидан график тузилиб, институт Илмий кенгашида муҳокама қилинган, ректор томонидан тасдиқланиб, ҳар бир факультетда ташкил қилинган рейтинг тахтасида осилиб талабалар ҳукмига етказилди.

Ўқув режасида кўрсатилган барча фанлардан талабанинг билимини аниқлаш мақсадида ЖБ, ОБ, ЯБ турлари учун фан дастури талабларига жавоб берадиган тест, тест карточкалари, назорат саволлари тўплами, савол-жавоб билетлари, ёзма иш вариантлари ва бошқа кўринишдаги назорат ишлари, шунингдек, назоратнинг ҳар бир тури бўйича баҳолаш мезонлари тайёрланди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури жохон андозалари талабларига жавоб берадиган юксак умумий ва касб-хунар маданиятига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва хал

этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган. Бу вазифаларни бажаришда ўқув тарбия жараёнини юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш муҳим ўрин тутди.

Институтда янги педагогик технологиялар ва ўқитишнинг интерактив усуллари татбиқ этиш бўйича марказ фаолият кўрсатиб келаяпти. Марказга шу усулларни пухта ўзлаштирган профессор ўқитувчилар бирлаштирилган. Бу марказнинг асосий вазифаси бакалавр талабаларга илғор педагогик технологиялар ва интерактив усулда дарс бериш билан бирга институтизмизнинг ёш ўқитувчиларига, магистрларига ҳамда вилоят халқ таълимига қарашли мактабларнинг касб-хунар ўқитувчиларига махсус семинар ва курслар ташкил этиш ва уларнинг малакаларини оширишдан иборат. Масалан, ўтган ўқув йилининг ўзида тўрт марта ўқув-семинар ташкил этилиб, унда 216 нафар тингловчи ўқитишнинг янги педагогик технологиялари ва интерактив усуллари сирларини ўргандилар.

Марказ олдида турган асосий вазифа институтда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш, анимацион ва масофавий ўқитиш, электрон дарслик, электрон ўқув қўлланма, электрон маъруза матнлари, мураккаб жараёнларнинг дастурий ишланмаларини яратиш, академик лицей ва касб хунар коллежлари учун лаборатория ва амалий машғулотларнинг электрон ишланмаларини яратиш, Интернет тармоғидан фойдаланиб ўқув ва илмий материалларни қабул қилиш, институтнинг Web саҳифаларини доимий янгилаб бориш, электрон кутубхоналарнинг бойитиб бориш, яратилган локал тармоқ тизимини ривожлантиришдан иборатдир.

Институт кафедраларида янги педагогик технологияларни жорий этиш юзасидан қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Республикамиз ва кўплаб хорижий мамлакатлар олий таълим тизимида янги педагогик технологияларни қўллаш натижасида таълим самарадорлигини ошириш юзасидан олиб борилаётган ишлар ўрганиб борилди. Бу мақсадда интернет ангиллари ва ахборот тизимидан фойдаланиб борилди.

2010-ўқув йилида «Ўзбекистон тарихи» кафедрасининг мудири доц. М. Пардаев Япония, «Миллий истиқлол гоёси ҳуқуқ ва маънавият асослари» кафедраси ўқитувчиси А. Мамажонов, «Чет тиллар» кафедраси ўқитувчиси Р. Қаршиева Хитой Халқ Республикасининг Шанхай университетиди бўлиб у ердаги таълим системаси билан танишиб чиқди. Сафар хизматидан қайтган ўқитувчилар чет эл мамлакатларидаги таълим системаси бўйича давра суҳбатлари, янги педагогик технологияларга асосланиб, дарсларда кўплаб интерфаол методлардан фойдаланган ҳолда очик дарслар ўтказдилар.

«Электрон кутубхона» ўқув зали ташкил қилиниб, унга замонавий компьютерлар ўрнатилди ва Интернет тармоғига боғланди. «Электрон кутубхона» дастурий тизими яратилди ва унинг жамғармасига 16 та электрон китоб, вазирлик тақдим қилган 2500 та электрон ўқув қўлланмаси ва 200 та қайта ишланган электрон нусхадаги маъруза матнлари киритилди.

Таълим сифатини таъминлашда талабаларнинг танлаган мутахассисликларига бўлган қизиқишларини орттириш, уларга тегишли соҳаларда эришилган илм-фан ютуқларини етказиш ва ушбу соҳаларнинг мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришдаги ўрнини тушунтириш, дарс

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури жохон андозалари талабларига жавоб берадиган юксак умумий ва касб-хунар маданиятига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган. Бу вазифаларни бажаришда ўқув тарбия жараёнини юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш муҳим ўрин тутди.

2010 ЙИЛ  
САРХИСОБИ

Институтда маънавий-маърифий ишлар ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, шунингдек, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да белгиланган замонавий билим ва ихтисослик малакаларини беришни давр талаблари даражасига кўтариш, талаба-ёшларда эркин фуқаро маънавиятини, озод инсон шахсини шакллантиришга қаратилган.

Президент И. Каримовнинг асарларида ёшлар масаласи ўзининг атрофича кенг ва чуқур ифодасини топади. Айниқса, мамлакатимиз талабаларининг сиёсий онгини, маданиятини, сезирлиги ва ҳушёрлигини янада ошириш, уларда содир бўлаётган ўзгаришларга, воқеа-ҳодисаларга, ислохотларга фаол муносабатни тарбиялаш, ҳозиржавоб бўлишга ўргатиш ҳамда халқимиз ва Ватанимиз тараққиётига таҳдид солаётган турли кўринишдаги экстремистик оқимлар таъсиридан уларни химоя қилишга қаратилган маънавий-ахлоқий тарбия давлат сиёсатининг асосий устувори йўналиши деб эътироф этилган.

"2010 - Баркамол авлод йили" дастури бажаришда биз вилоятдаги бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари, жамғармалар, сиёсий партиялар, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда иш олиб бордик. Маънавий-маърифий тадбирларга институт профессор-ўқитувчилари ҳуқуқ-тартибот ходимлари, махалла фаоллари, ота-оналар, жамоат ташкилотлари жалб этилди. Вилоят Ақлия бошқармаси, ички ишлар бошқармаси, прокуратура ва музейлар, сиёсий партиялар, "Махалла", хайрия жамғармалари ва бошқа ташкилотлар билан ёшларнинг маънавий-маърифий ва ахлоқий тарбияси йўналишида турли тадбирлар ўтказиб борилмоқда.

Институт «Маънавият ва маърифат» бўлими «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти, Хотин-қизлар кенгаши, Касаба уюшмаси, Ибн Сино саломатлик маркази, Бадиий марказ, Маданият саройи, Ахборот ресурс маркази, Талабалар Кенгаши, Мураббийлар Кенгаши, Оқсоқоллар Кенгаши ва "Талаба" спорт клуби билан ҳамкорликда дастур ишлаб чиқиш ва шу дастур асосида иш юритилмоқда.

Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш мақсадида институт миқёсида тавсиялар ишлаб чиқилган, режалар тайёрлаш учун махсус «Ҳуқуқий билим жамоатчилиги маркази» тузилган. Ушбу марказ қошидаги тартибот гуруҳи аҳоли ва талаба-ёшлар билан ўтказиб берилган тадбирларда юридик таълимнинг моҳиятини, кўзланган мақсадлари тушунтирилиши белгиланган. Тартибот

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ:  
САМАРАДОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ  
— АСОСИЙ МЕЗОН

А.ТАНГИРОВ,  
маънавий-маърифий ишлар проректори

Гуруҳи аъзолари 17 марта Жиззах вилояти телевидениесига, 23 марта Жиззах шаҳар телевидениесига чиқиб қилганлар. Институт профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан "Қалқон", "Қонун химоясида", "Ҳуқуқ оламида", "Постда", "Ҳуқуқ", "Жамият ва бошқарув", "Адолат ёғдуси" каби газета-журналларда чиққан долзарб мақолалар дарс жараёни ва турли хил баҳс-мунозараларда ўрганилмоқда.

Аҳоли ва ёшлар ўртасида диний ақидапарастлик ва миссионерликнинг олдини олишга қаратилган профилактик ҳамда тарғибот ишларининг самарадорлигини янада ошириш бўйича маънавий-маърифий ишлар проректори бошчилигида ишчи гуруҳ ва тарғибот гуруҳи тузилди. Талабаларни мустакил давлатимизнинг ватанпарвар фуқароси этиб тарбиялаш мақсадида улар онгига миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳини синдириш, уларда миллий гуруҳ, миллий феъл-атворнинг энг яхши сифатларини шакллантириш ва такомиллаштириш, Ватан, халқ ва миллат олдидаги фуқаролик ҳам фарзандлик бурчини астойдил бажаришга тайёрлаш юзасидан белгиланган режа асосида қатор самарали ишлар олиб борилмоқда.

Террорчиликнинг асл моҳияти, кимга ва нимага қарши қаратилганлиги ҳамда бу ҳаракатларнинг замирида турган қора ниятли кишиларнинг асл мақсадини очиқ беришга қаратилган тадбирлар ўтказилмоқда. «Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч қадриятларимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ» номи маъруза институт профессор-ўқитувчилари ва талабалари ўртасида ўрганилди ва уни тарғиб қилиш ишлари амалга оширилди. «Огоҳлик-давр талаби», «Огоҳликка давбат», «Терроризмга қарши омиллар», «Диний экстремизм ва фундаментализм», «Диний экстремизм ва терроризм», «Диний экстремизм ва халқаро терроризм» каби мавзуларда суҳбатлар, анжуманлар ўтказилмоқда.

Умумий миллий байрамлар доирасида институтда ишлаб чиқилган маънавий-ахлоқий тарбия дастурлари ва режалари мавжуд. Миллий қадриятлар инсонда гуруҳ, ифтихор, faxр, иш туйғусини, айниқса, ёшларда инсонпарварлик, ватанпарварлик, Ватан туйғуси, озодлик, мустакиллик, ўтмиш буюк аллоاملаримиздан faxрланиш

туйғуларини шакллантиришда муҳим омил саналади. Бунда Мустақиллик куни, Навруз умумхалқ байрами, Билимлар куни, «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» муносабати билан «Олим бўлсанг олам сеники», «Устоз отандан улуг», «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинганига бағишлаб «Тил бор — миллат бор», «Тилга эътибор элга эътибор», «Она тилимиз нуфузи» каби мавзуларда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишлаб «Президентимиз — Конституциямиз асосчиси», «Конституцияни ўрганишимиз», «Биз танлаган йўл-қонун устуворлиги», «Ўзбекистон Конституцияси-қонунчилигимизнинг асосидир», «Конституция суверенитет тимсоли» каби мавзуларда давра суҳбатлари, конференциялар, кечалар ташкил қилинди.

Мустакил Ўзбекистоннинг истиқболли харжиятдан йўсак мадакали ва маънавиятлик мутахассислар тайёрлашга боғлиқ. Бу нарсга "Таълим тўғрисидаги" Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да ўз ифодасини топади. Мазкур дастурда кўзда тутилган вазифалардан бири таълим ва тарбиянинг узвийлигидир. Юртбошимиз И. Каримов Кадрлар тайёрлаш миллий дастури шарҳлаб берадиган: "Бизга оддий битирувчилар керакмас, бизга замон талабларига жавоб берадиган, янги замонавий технологияни эгаллаган, илм-фанга чанқок, мустакил фикрловчи кадрлар керак", — деган эди. Президентнинг бу кўрсатмаларини ўзига дастуруламал деб билган институтнинг барча профессор-ўқитувчилари бутун куч-қувватларини малакали мутахассис тайёрлашга сарфламоқда. Ҳозирда институтимизни битириб чиқаётган ёшлар Республикаимизнинг мактаб, лицей, коллеж ва бошқа ташкилотларида самарали меҳнат қилмоқдалар.

Институтнинг замонавий спорт иншоотида спорт тўғрақларининг иш фаолиятини янада яхшилашга эришилди. Енгил атлетика, волейбол, баскетбол, кўл тўпи, футбол, кичик футбол, шахмат, шашка, катта теннис, стол теннис, миллий кураш, белбоғли кураш, дзюдо, оғир атлетика каби секциялар ташкил этилиб, талабаларнинг спорт тўғрақларида қатнашиши учун шарафлар яратилди. Институтда спорт тўғрақларида профессор-ўқитувчилар ҳам жалб қилинди. Профессор-ўқитувчилардан иборат 4 та секция фаолият бошлади.

Талабаларнинг дарсдан бўш вақтларини унумли ўтказиш мақсадида "Таълим тўғрисида"ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талабаларидан келиб чиқиб маънавий-маърифий ўқув, спорт ва бошқа соҳалар бўйича зарур чора-тадбирлар ва режалар белгиланган. Талабалар бўш вақтларида фойдаланишлари учун маданият саройи, спорт иншоотлари, компьютер синфлари, интернет клублар, тиллар ўрганиш маркази, устaxonалар ишлаб турибди. Шу билан бир қаторда талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш борасида уларнинг қизиқишларига қараб 47 та турли тўғрақлар ташкил қилинган.

Талабалар турар жойда Ахборот-ресурс маркази, компьютер хонаси, 2 та маънавият хонаси, 4 та дам олиш хонаси, "Компьютер саводхонлиги" ҳамда "Зардўзлик" тўғрақлари мавжуд. Ахборот-ресурс марказида етарли адабиётлар мавжуд бўлиб, унда 168 нафар талабанинг барчаси аъзо. «Маънавият ва маърифат» хонаси мавжуд. Бу хона радио, телевизор, видеокичилик, газета-журналлар, Республикаимиз Президенти асарлари, мустакил мамлакатимиз рамзалари, мадҳияси, тараққиёт йўлларини белгилловчи плакатлар-расмлар билан жиҳозланди. Талабаларнинг яшаши, овқатланиши ва машғулот олиб боришлари учун етарлича имконият яратилди.

Амалга оширилаётган ишлар натижаси ўлароқ иқтидорли, совриндор талабаларимиз сафи кенгаймоқда. Институт қошидаги «Истеъдод» тўғрақларининг аъзоси Мусиқа йўналиши 3-босқич талабаси Мухлиса Қодирова 2009 йилда «Ташаббус» республика кўрик танловида иштирок этиб, «Энг ёш хунарманд» номинацияси бўйича голиб деб топилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти савғасини кўлга киритган. Институт Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият факультети талабаси Ирода Абдурахмонова 2010 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофотиغا сазовар бўлди. «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг учинчи босқичида иштирок этган Мусиқий таълим йўналиши 2-босқич талабаси Фарангиз Саъдуллаеванинг «Она юртим» кўшиғи махсус сертификат билан тақдирланди. Институт «Фольклор» ҳамда Ашула ва рақс ансамбллари 2009-2010 ўқув йилида Республика педагогика институтлари орасида бўлиб ўтган кўрик танловларнинг ҳар иккала турида ҳам гран при мукофотини кўлга киритдилар.

Маълумки 2011 йил муҳтарам Президентимиз томонидан "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик" йили деб эълон қилинди. Маънавий-маърифий ишларимиз дастурини ана шу талабалар асосида тузиб, уни амалга оширишга киришдик. Умид қиламизки, кўлга киритилган барча ютқуларимизни янги йилда янада мустақамлаған ҳолда таълим ва тарбия узлуksизлигини таъминлашда янги марраларга эришамиз.

2010 ЙИЛ  
САРХИСОБИ

2010 йил институтимиз жамоаси учун илмий тадқиқот ишлари бўйича ҳам самарали бўлди десак асло муболага қилмаган бўламиз.

Жумладан, профессор-ўқитувчиларимиз томонидан 2 та дарслик 29 та ўқув қўлланма, 11 та монография, халқаро илмий журналларда 38 та, республика илмий журналларида 112 та илмий мақолалар чоп этилди ва республика илмий-амалий конференцияларида 500 дан зиёд тезислар билан қатнашилди. 4 нафар ўқитувчиларимиз — Эрмат Файзуллаев, Дилноза Жуманазарова (педагогика), Қўчқор Ҳақимов (география) ва Улуғбек Худанов (кимё) номзодлик диссертацияларини муваффақиятли химоя қилдилар ва илмий салоҳиятимиз ўсишига муносиб ҳисса қўшдилар. Президентимиз қарорлари билан янги жорий этилган стажер-тадқиқотчи-изланувчилар сафига 7 нафар ёш тадқиқотчилар ишга қабул қилиндилар. Бу ҳам 2010 йилнинг тарихий воқеаларидан бири бўлиб қолади.

Ўтган йилда талабаларимизнинг илмий йўналишида эришган ютуқлари ҳам мақтовга арзигulikдир. Ёшларимиз ўз илмий раҳбарлари бошчилигида илк китобларини нашрдан чиқардилар. Жумладан, Хорижий тиллар факультети 4-курс талабаси Дилором Хайдарова "Эрнест Хемингуэй: хаёти ва ижоди" номи рисоласини, тарих факультети 4-курс талабаси Умид Норбеков "Геосиёсий жараёнлар" номи рисоласини, Педагогика факультети 3-курс талабаси Баҳора Холмўминова "Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда конфликт вазиятлар намоён бўлишининг психология асослари" номи қўлланмасини, Мактабга таълим йўналиши талабаси Машхура Мухомова "Болаларнинг табиат билан таништириш" номи услубий қўлланмасини чоп эттирдилар.

Талабаларни илмий ишларга иштиёқини кўчатишда институтда мавжуд қирқдан зиёд илмий тўғрақлар фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу фикримизни 2010 йил Талабалар Республика фан олимпиадаси натижалари ҳам бевосита тасдиқлайди. Республика фан олимпиадаси натижаларига кўра институтимиз талабаларидан Ражабов Одил кимё фанидан 1-ўринни (раҳбари Ш Шарипов), Аҳромов Давлат Биология (умумтаълим) фанидан 2-ўринни (раҳбари Мухаммадиев Д), Ҳамроев Шерзод Материаллар қаршилиги фанидан 2-ўринни (раҳбари С Убайдуллаев), Ёриев Аббос физика (умумтаълим) фанидан 2-ўринни (раҳбари Ш Дониёров), Дўстмухаммедова Гулҳаё мусиқа назарияси (умум-

ИЛМИЙ ИШЛАР —  
ТАРАҚҚИЁТГА ЙЎЛ

Ф. КОДИРОВ,  
илмий ишлар проректори

таълим) фанидан 3-ўринни (раҳбари И.Қудратов), Ахмедов Фаррух жисмоний тарбия, спорт назарияси ва амалиёти фанидан 3-ўринни (раҳбари Ф.Ахмедов) эгаллади.

Институтимизнинг 2010 йилда кўлга киритган ютуқларидан яна бири — Хорижий тиллар факультети 4-курс талабаси Хайдарова Дилором Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиясига, Тарих факультети 4-босқич талабаси Умид Норбеков ва Педагогика факультетининг 4-босқич талабаси Баҳора Холмўминова Навоий номи Давлат стипендиясига, Табиатшунослик факультети 4-босқич талабаси Гулноза Матмуродова эса Улуғбек номи Давлат стипендиясига сазовор бўлдилар.

Институтимиз олимлари томонидан Халқаро алоқалар бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам салмокликдир. Институт билан Россия давлатининг Дубна шаҳридаги Бирлашган ядро тадқиқотлари институти ўртасида тузилган шартнома бўйича проф. Р. Бекмирзаев раҳбарлигидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари самарали давом эттирилмоқда. Айни кунда институтимиз илмий ходими Д.Жомуродов, аспирантлар Ф.Маматқулов, С.Алиқуловлар Бирлашган ядро тадқиқотлари институтида шартнома асосида фаолият олиб бормоқдалар ва юқори натижаларга эришмоқдалар. Бирлашган ядро тадқиқотлари институтида малака ошириб қайтган илмий ходим Г.Худойбердиев томонидан "Элементар зарралар физикаси" бўйича бугунги кунда фанда эришилган энг охириги ютуқларни ўз ичига олган "Зарралар физикаси" номи ўқув қўлланмаси чоп этилди ҳамда ўқув жараёни янги электрон лаборатория ишланмалари билан бойитилди.

"Чет тиллар" кафедраси ўқитувчиси Роза Қаршиева, "Миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари" кафедраси ўқитувчиси Алишер Мамажоновлар "Истеъдод" жамғармаси томонидан Хитой халқ республикасининг Шанхай университетига малака ошириб қайтган бўлсалар Хорижий тиллар факультети

"Инглиз тили ва адабиёти" кафедраси ёш ўқитувчиси Дурдона Каримова Ҳиндистон элчихонаси ва ИТЕС орқали ўтказилган танловда голиб бўлди ва Ҳиндистонда бўлиб, "Сайёхлик ва меҳмондўстликни ўрганиш" йўналиши бўйича ўз малакасини ошириб келди. "Жисмоний тарбия назарияси ва миллий спорт турлари услубий таълимнинг

асослари" кафедраси доцент вазифасини бажарувчи Фурқат Аҳмедов 2010 йил октябрь ойида Индонезия Республикасида бўлиб, "Пинчак-Силат Халқаро федерацияси томонидан ташкил этилган дастурий семинар ва машғулотларда қатнашиб қайтди.

Давр талабалари асосида илмий ишларнинг амалиёт билан боғлаб олиб борилишига, фан ва таълим интеграциясига алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда кафедралар билан вилоятиимиздаги бир қатор ташкилот ва муассасалари ўртасида хўжалик шартномалари тузилган. Биология ва уни ўқиш услубияти кафедраси ўтган йилда Вилоят табиати муҳофазат қилиш қўмитаси билан "Нурота ва Зомин давлат қўриқхоналарига кузги саноқ ишларини олиб бориш ва йирик ҳайвонлар локализациясини аниқлаш" мавзусида янги хўжалик шартномаси бажарилмоқда. Ушбу 700 миң сўмлик шартноманинг бажарилишида 2 нафар ўқитувчилар қаторида 10 нафар иқтисодчи талабаларнинг иштирок этаётганлиги ҳам қувонарли ҳолдир. Вилоятда экотуризм ташкил этиш бўйича 3 та лойиҳа тақдим этилган.

Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан 2009-2011 йилларга мўлжалланган амалий тадқиқотлар ва 2009-2010 йилларда бажарилган инновацион илмий-техника лойиҳалари доирасида 3 та лойиҳа муваффақиятли амалга оширилмоқда:

1. Талабаларга маънавий-ахлоқий тарбия беришнинг ахборот коммуникацион технологиялари мавзусидаги техника фанлари доктори, профессор Х.А.Тўрақулов раҳбарлигидаги 2009-2010 йилларга мўлжалланган 22178000 сўмлик инновацион лойиҳа мав-

фақиятли тамомланди.

Лойиҳа бўйича "Ахлоқ" номи компьютерли тизим (Тўрақулов Х.А., Фарсаҳонов Д.Р., Сатторов А.) ишлаб чиқарилди ва амалиётга жорий этилди, 1 та дарслик, 6 та ўқув қўлланма, хорижий нашрларда 2 та, маҳаллий нашрларда 5 та илмий мақола, халқаро анжуманларда 3 та, Республика миқёсидаги анжуманларда 15 та тезислар чоп этилди.

2. "Узлуksиз математик таълим турлари узвийлигини таъминлаш модели ва унинг дидактик таъминоти" мавзусидаги физика-математика фанлари доценти Н.Алимов раҳбарлигидаги 2009-2011 йилларга мўлжалланган 8582000 (жорий йил учун) сўмлик амалий лойиҳа бўйича 1 та патент (Хаитов Ф., Тангиоров Х., Тайлоқов Н. "Мультимедийное электронное учебное пособие по курс алгебры 7 класса", 2010 йил, январь, 20100022 DGU.) олинди, маҳаллий нашрларда 4 та илмий мақола, республика миқёсидаги анжуманларда 11 та тезис чоп этилди.

3. "Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-9 синфлари учун меҳнат таълимининг барча йўналишларига оид Давлат таълими стандартлари асосида миллийлик билан суғорилган ўқув дарслиқларини (10 тадан иборат) тайёрлаш" мавзусидаги доцент М.Муртазаев раҳбарлигидаги 19040000(жорий йил учун) сўмлик амалий лойиҳа бўйича 2 та қўлланма, 2 та илмий мақола, халқаро анжуманларда 4 та тезис, республика миқёсида 6 та тезис чоп этилди, 2 та илмий ишланма тайёрланди.

2011 йил учун ўтказилган инновацион лойиҳалар танловида институт профессор-ўқитувчилари томонидан 6 та лойиҳа тақдим этилган.

2010 йил 23 апрель куни институт Ижтимоий фанлар кафедраси ташаббуси билан "Баркамол авлод ва ижтимоий тараққиёт" мавзусида институт профессор-ўқитувчилари ўртасида, "Баркамол авлод-юрт таянчи" мавзусида институт иқтидорли талабалари ўртасида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди ва мақолалар тўплами нашр этилди. 2010 йил 28-29 май кунлари Педагогика-Психология, дефектология, МТБС ва мусиқа бўлими томонидан "Баркамол авлод таълим тарбиясида замонавий педагогик технологиялар" мавзусида профессор ўқитувчилар ва талабаларнинг XXXVI анъанавий илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Анжуман 5 та шўба йиғилишлари бўйича ўз ишини олиб борди ҳамда 154 та илмий мақолалардан иборат тўплам чиқарилди. "Хорижий тилшунослик ва адабиётшунослик масалалари" мавзусида Инглиз тили ва адабиёти кафедраси томонидан 24-25 май кунлари илмий-анжуман ўтказилди.

Танишинг: НОМДОР СТИПЕНДИЯ ВА ГРАНТЛАР ГОЛИБЛАРИ

## Иқтидорли талабалар - фахримиз



**Дилором ХАЙДАРОВА,**

Хорижий тиллар факультети «Инглиз тили ва адабиёти» йўналиши 4-босқич талабаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси совриндори.

Фанлардан аъло ўқиш билан бир қаторда Дилором ўзининг келгусидаги илмий ишларига ҳам пухта замин яратмоқда. У жaxon адабиётининг машхур намояндalarидан бири Эрнст Хемингуэй ижоди билан шуғулланиб, адиб ижоди бўйича бир қатор илмий мақолалар тўпламини нашр этишга ҳам улгурди. Ҳозирги кунда Дилором Хайдарова ўқишдан бўш пайтларида бу ажойиб сўз санъаткорининг «Чол ва денгиз» хикоясини инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилмоқда.

— Президент стипендиясига мушарраф бўлишим менга янада катта масъулият юклайди, — дейди Дилором, — бунинг учун биринчи навбатда менга йўл-йўриқ кўрсатаётган устозларимга ўз миннатдорчилигимни изҳор этаман.

— Факультетимиз тарихида Президент стипендияси учинчи марта талабамизга насиб этгани биз ўқитувчиларни қувонтиради, — дейди факультетнинг тажрибали ўқитувчиси Х. Пирназаров, — Биз устозлар ҳам иқтидорли талабаларимиз билан фахрланишга ҳақлимиз.




**Баҳора ХОЛМУМИНОВА,**

Педагогика факультети «Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш» йўналиши 4-босқич талабаси, Навоий номидаги Давлат стипендияси совриндори.

Баҳора турли илмий-амалий конференцияларда ўзининг илмий-услубий мақолалари билан фаол катнашиб келмоқда. Унинг мақолалари ва услубий қўлланмалари кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда конфликтларнинг сабабларини ўрганишга бағишланган. Бу эса Баҳоранинг чинакам истеъдод соҳибаси эканлигидан далolat беради.

Баҳора нафақат илмий мақолалар балки, методик тавсиянома ҳам чоп эттирган.

Бугунги кунда унинг «Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда конфликт вазиятлар намоён бўлиши ва уларни бартараф этишнинг психологик асослари» номли методик тавсияномаси (Тошкент, Фан ва технологиялар, 2010), «Фан, таълим ва амалиёт» мажмуасининг долзарб муаммолари» номли илмий мақолалар тўпламида («Фан» нашриёти, Тошкент, 2009, 4-чикиши; 2010, 5-чикиши) мақолалари чоп этилган. Бундан ташқари Республика илмий-амалий конференцияларида 5 та илмий мақолалари эълон қилинган.



**Умид НОРБЕКОВ,**

Тарих факультети «Миллий ғоя, ҳуқуқ ва маънавият асослари» йўналиши 4-босқич талабаси, Навоий номидаги Давлат стипендияси соҳибси.

Институт, вилоят, республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий анжуманларда мунтазам катнашиб келаётган Умид

Норбеков ҳар доим фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. 2009 йилда «Миллий ғоя — муаммо ва ечимлар» номли иқтидорли талабалар илмий мақолалари тўпламида «Юксак ҳуқуқий маданиятни шакллантириш — ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг кафолатларидан биридир» номли мақоласи эълон қилинди. 2010 йил апрель ойида Тошкентда ўтказилган «Баркамол авлодни шакллантириш — маънавий тараққиёт омили» мавзусидаги республика илмий-амалий конференциясида «Ўзбекистонда ёшларни ахборот терроридан муҳофаза қилишнинг долзарб вазифалари» номли мақоласи билан иштирок этди. Шунингдек у 2010 йил 25 майда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетиде «Талабалар баҳори-2010» талаба ёшлар фестивали доирасида ўтказилган «Баркамол авлод-юрт таянчи» мавзусидаги илмий-амалий конференцияда фаол иштирок этиб, соврин ва диплом билан қайтди.

Умид институт ижтимоий ҳаётида, айниқса «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати тадбирларида тенгдошларига ўрнатиб келмоқда.



**Гулноза МАТМУРОВОВА,**

Табиатшунослик факультетининг 4-босқич талабаси, Улуғбек номидаги Давлат стипендияси совриндори.

Гулноза Матмуродова биринчи босқич талабаси бўлган вақтлариданоқ тиришқоқлиги ва билимга чанқоқлиги билан ажралиб

турарди. У барча маънавий-маърифий тадбирларда фаол катнашиб жамоат топшириқларини ўз вақтида бажариб келмоқда.

Гулноза илмий раҳбари, катта ўқитувчи Лола Санаева раҳбарлигида илмий тадқиқотлар устида иш олиб бориб, республика миқёсидаги конференция ва семинарларда ўз илмий мақолалари билан катнашиб, институт шарафини ҳимоя қилиб келади. Унинг илмий мақолалари ва услубий тавсиялари асосан экологияни асраш, ёш авлод ва омма орасида экологик онгни шакллантириш, бу борадаги инновацион технологиялардан фойдаланишга қаратилган. У факультетдаги «Табиатшунос» клуби қошидаги экспедициянинг фаол аъзоси сифатида «Ёш зоологлар» тўғараги ишини жонлантиришга муносиб улуш қўшиб келмоқда. Унинг бир қатор мақолалари ва «Одам анатомияси» дарсида янги педагогик технологияни қўллаш» рисоласи диққатга сазовордир.




**Камола ОЧИЛОВА,**

Тарих факультетининг 2-босқич талабаси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ва «Меҳр нури» жамғармаларининг «Таълим» грантлари лойиҳаси — 2009 ва 2010 йиллар» голиби.

Камола Очилова «Келажак овози» Ёшлар ташаббуслари маркази ва Ўзбекистон босма оғ маънавий ахборот воситалари Миллий ассоциацияси Жиззах ёшлар телестудияси мудирси. Вилоят радиоси ва телевидениясидаги маданият, ахлоқ-одоб мавзуларидаги қатор эшиттиришлар ва кўрсатувлари учун грант дастури голиби деб топилди. Камоланинг лавҳа ва очерклари НТТ ва «Форум —ТВ» каналларида мунтазам бериб борилади. Кўрсатув ва эшиттиришлари орқали замондошларимизнинг орзу-ниятлари, тадбиркорлик ва ташаббускорлиги таъсирчан ифода тарзида радио эшитувчи ва томошабинларга етказилмоқда.

Камола ўқиш билан ижодни бир берида ажратмайди, институт жамоат ишларидан четда қолмайди, устозларидан олган сабоқларини тажриба орқали мустаҳкамлаб боради.



**Сардор МУРОДУЛЛАЕВ,**

Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият факультетининг 1-босқич талабаси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ва «Меҳр нури» жамғармаларининг «Таълим» грантлари лойиҳаси — 2010 йил» голиби.


Сардор дастлабки босқичда таълим олишига қарамай тезда институтнинг етакчи талабалари қаторидан ўрин эгаллади. Албатта, бу унинг тиришқоқлиги, фанларга қизиқиши, айниқса жисмоний тарбияни жон-дилдан севиши, устозларига эргашиб олиши натижасидир. Камтарлик, яхши хулқ, устозларга ҳурмат ва эҳтиром, тинимсиз китоб мутолаа қилиш ва машқ унга хос фазилатлар. Жамоат топшириқларини ўз вақтида, кўнгилдагидек бажаради, факультет ва институт миқёсида ўтказиладиган тадбирларда пешқадам, ўрнатқич, ўртоқларига меҳрибон. Ана шу фазилатлар Сардорнинг грант лойиҳаси голиби бўлишига сабаб бўлди, десак муболаға бўлмайди.

«Бухоро 2010» талабалар фестивали таассуротлари

## ИЛМ, ТАРАҚҚИЁТ, КЕЛАЖАК САРИ

Ўтган йилнинг 19-23 ноябр кунлари кўхна ва қадимий Бухорои шарифда беш кун давом этган «Талабалар фестивали» юртимиздаги барча талаба ёшлар қалбига бир олам қувонч ва шодлик улашди. «Баркамол авлод йили» муносабати билан ташкил этилган фестивалда республикамиздаги барча олий таълим муассасаларидан 500 нафардан ортиқ талаба ва уларнинг устозлари иштирок этишди. Фестивал доирасида ижтимоий-сиёсий, илмий-

тини шакллантиришда ёшларнинг ўрни» мавзусидаги илмий-амалий конференцияда тарих факультети миллий истиқлол ғояси ва ҳуқуқ асослари йўналиши 4-босқич талабаси Норбеков Умид ўз маърузаси билан катнашди. «Қучли давлатдан — кучли жамият сари: фуқаролик жамиятининг ижтимоий-иқтисодий асосларини шакллантиришда ёшларнинг иштироки» деб номланган биринчи секцияда устозимиз, институтимиз маънавий-маърифий ишлар прорек-



маърифий, маданий ва спорт тадбирлари билан биргаликда иккита халқаро илмий-амалий конференциялар бўлиб ўтди.

Мазкур фестивалда Жиззах Давлат педагогика ва политехника институтларидан саккиз нафар талаба ёшлар иштирок этишди. Бизнинг институтимиз талабаларидан У.Норбеков, Б.Холмўминова, А.Сафаров, Б.Нормаматов фаол иштирок этиб эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Институтимиз талабаларидан тузилган «Сангзор» жамоаси «Заковат» интеллектуал ўйинида мамлакатимиз олий таълим муассасалари талабаларидан тузилган ўн етти жамоа ичида энг кучли жамоалардан бири эканлигини ўз билимлари билан исботлаб берди. Жамоа сардори сифатида институт «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси Фаррух Акчаев «Сангзор» жамоасининг галабасига муносиб ҳиссасини қўшди. Фестивал доирасида ўтказилган «Ёшлар ва мамлакатни инновацион ривожлантириш» халқаро илмий-амалий конференцияси баҳс ва мунозараларга бой тарзда ўтди. Конференцияга қўллаб янги инновацион лойиҳалар тақдим этилган бўлиб, улар орасида институтимиз табиатшунослик факультети 3-босқич талабаси Сафаров Алишернинг «Туркистон тоғ тизмасининг юқори қисмида экотуризмни ташкил этиш» мавзусидаги лойиҳасининг борлиги бизни қувонтиради. Сафаров Алишер ўз инновацион лойиҳасини нафақат Жиззах вилоятида, балки бутун Ўзбекистон миқёсида амалга ошириш мумкинлигини назарий жиҳатдан асослаб берди. Конференция иштирокчилари унинг инновацион лойиҳаси бўйича ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Фестивал доирасида «Камолот» ЕИХ Марказий Кенгаши Бухоро Давлат университети базасида ташкил этган «Фуқаролик жамия-

тори А.Тангинов институт «Камолот» ЕИХ бошланғич ташкилоти етакчиси Ф.Акчаев, табиатшунослик факультети 3-босқич талабаси А.Сафаров ўз фикр ва тақлифларини билдирдилар. Фестивал доирасида турли хил спорт мусобақалари ва олий таълим муассасаларининг бугунги кундаги фаолияти ҳақидаги кўргазмалар намойиш этилди.

Республика олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказилган марофонча югуриш мусобақасида институтимиз жисмоний тарбия факультети 3-босқич талабаси Бахтиёр Нормаматов фахрли ўринни эгаллади ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Талабалар Бухоро шаҳрининг диққатга сазовор жойлари билан танишишди. Янги барпо этилган амфитеатр биноси, «Кўхна ва боқий Бухоро» монументи, янги муסיқали драма театри биноси шаҳар чиройига чирой қўшиб турибди. Тарихий жойларни томоша қилар эканмиз, олис тарихга ҳаёлан назар солганимиз ва қалбимизда фахр-ифтихор туйғулари жўш уради. Фестивал ёпилиш маросими янги барпо этилган муסיқали драма театри биносиде бўлиб ўтди. Ташкилотчилар томонидан «Камолот» ЕИХ эсдалик совғалари ва дипломлар ўз эгаларига топширилди.

Талабалар фестивали юртимизда олиб борилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг ёрқин ифодаси бўлди. Республикаимизнинг турли ҳудудларидан келган ёшлар ўзaro фикр алмашдилар ва турли мавзуларда баҳс юритдилар, келажак режаларни тузиб олдилар. Фестивал том маънода биз талабалар ҳаётида ўчмас из қолдирди.

**Баҳора ХОЛМУМИНОВА,**  
Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш йўналиши 4-босқич талабаси, Навоий стипендияси соҳибаси.

● 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

# Шеърят гулшани

## ТАРИХ

Биз келажақ учун ёш нихоллармиз, Авлодлар сафида сафга турамиз. Аста-секин ўзимиз улгайиб бир кун, Авлод учун биз ҳам аждод бўламиз.

Келажақ биз учун ҳали олдинда, Олис манзилларни кўрсатиб турар. Етакчи бўлинглар авлодларга деб, У кўхна тарихни эслатиб турар.

Тарих жуда қизиқ ҳикоя мисол, Кечани бугунга улаб беради. Боболар ўтказган шонли кунларни, Мисоли эртадек сўзлаб беради.

Тарих экан келажақнинг давоми, Тарихда акс этилар ёшлар қамоли.

**Акмал ФОЗИЛОВ,**  
Муסיкий таълим йўналиши 111-гуруҳ сардори.

## ШЕЪРИЯТ

Шеърят боғида бир гунча бўлдим, Илдизим тупроққа маҳкам боғланган. Куёшдай чарақлаб ойдаин тўлдим, Мен шоира қизман қалби доғланган.

Муҳаббатим менинг асли илҳомим, Ичингда дардингни ёз дейди юрак. Баҳтим тоқчасида тўла армоним, Яна шеър ёзаман, ёзишим керак...!

Куйган кўнгилларни шод этсин дея, Шодликда йиғладим, ғам келса қулдим. Мана менман қалби хаста Махлиё, Шеърят боғида бир гунча бўлдим.

Баҳтим тоқчасида тўла армоним, Яна шеър ёзаман, ёзишим керак...!

**Махлиё АҲМЕДОВА,**  
Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш йўналиши 109-гуруҳ талабаси.

## АСКАР ЎЙЛАРИ

Олисадан бугун уйимдан, Олисадир бугун маҳаллам. Кўз олдимдан ўтади бот-бот, Ўйларимга интизор онам.

Қадрдоним жонажон ховлим, Ҳар гиёҳи азиз остонам. Мени катта қилган кўчалар, Акам билан улгайган хонам.

Ўйларимга интизорим у, "Тани-жонинг соғми жон болам?" "Омон қайтсин!" — тилаб Худодан, Гоҳо йиғлаб оларкан онам.

Юзидан нур ёғилиб вазмин, "Ўғлим яхшимисан?" сўрайди, дадам. Хизматлар яхшими, дўстларинг қандай? Соғинган эканда мени акам ҳам.

Суратларга, хатга қарайман, Ошиқади ўй томон кўнглим. Янгиликлар айтиб, суюнчи сўраб, "Қачон келасиз?" — дер, эркатой синглим. Она, ҳаммангизни яхши кўраман, Соғинчимга яна соғинч кўшасиз. Кейин маъсумгина жилмайиб туриб, Тушларимга кириб чиқар ўша қиз...

**Нодири ХОЛЖЎРАЕВА,**  
тарих факультети 102-гуруҳ талабаси.

## ДОНОЛАР БИСОТИДАН

### ЎҚИНГ ВА АМАЛ ҚИЛИНГ

- ✓ Гўзал хулқ қаҳр-ғазаб келганда билинади.
- ✓ Қариликнинг юзимиздан кўра ақлимизда ажинлар ҳосил қилишидан эҳтиёт бўлайлик.
- ✓ Айтмоқчи бўлган фикрингизни эшита туриб, эйтиб бермай кулиб турган одамдан сақланинг.

- ✓ Ёғочни теша билан йўнсанг, теша пайрахани фақат ўз томонига тўплайди, бир пайрахани ҳам ташқарига чиқармайди. Рандаласанг, ранда қириндиларни ташқарига чиқариб юборади, ўз томонида бирорта қиринди қолдирмайди. Арраласанг, арра ҳар икки томонга ба-

равар қипиқ тўқади. Турмушда теша каби бахил бўлиб, фақат ўз манфаатингизни ўйлама, бошқаларга ёрдам бер. Агар бор-йўғингни бошқаларга сарф қилиб, натижада ўзинг муҳтожликда қолсанг, ранда ишини қилган бўласан. Энг яхшиси арра каби иш тут, ўзингга ҳам бўлсин, бошқа кишиларга ҳам ёрдаминг, фойданг тегсин.

## БАЙРАМ СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Институт касаба уюшмаси кўмитаси ва "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати 2011 – Янги йил муносабати билан тантанали йиғилиш ўтказди. Институт ректори, профессор О. Дўсматов талабаларни янги йил билан қизгин табриклади. Институт оқсоқоллар кенгаши раиси С. Ибодов, институт касаба уюшмаси кўмитаси раиси К. Исаев, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси Ф. Ақчаев ҳам талаба-ёшларни байрам билан кутлаб, уларнинг ўқишларида муваффақият тиладилар. Тантанали йиғилишда институтда таҳсил олаётган иқтидорли ва кам таъминланган оила фарзандларидан 157 нафарига Президент совғалари топширилди. Шунингдек касаба уюшмаси кўмитаси томонидан ўқитувчиларга ҳам байрам совғалари берилди.


## АҲБОРОТ БЎШ ВАҚТНИНГ ЎЗИ ЙЎҚ

"Чолғу асбоблари ва анъанавий ижрочилик" кафедраси ташаббуси билан янги йил арафасида талабалар турар жойида ўтказилган тадбир иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Кафедра мудири А. Муҳаммадиев сўз олиб талаба-ёшларни янги йил билан табриклади. Қорбобо ва Қорқизнинг ташрифидан аввал руҳини янада кўтарди. Олдиндан тузилган сценарийга мувофиқ қизиқарли ўйинлар ва концерт дастурлари, байрам карнавали намойиш этилди. 23 декабрь куни шу мазмундаги тадбирни талабалар турар жойида "Муסיқа назарияси ва методика" кафедраси профессор-ўқитувчилари ҳам ўтказдилар.

## ҚУВНОҚЛАР ВА ЗУККОЛАР БЕЛЛАШУВИ

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти билан "Педагогика-психология, мактабгача таълим ва болалар спорти, дефектология ва муסיқа" бўлими ҳамкорликда "Қувноқлар ва зукколар" мусобақасини ўтказдилар. Кўриқда муסיқа йўналишининг "Жиззахлик тоғалар" жамоасига олий ўрин берилди. Дефектология йўналишида таълим олаётган талабалардан тузилган "Учқунлар" жамоаси биринчи, МТБС йўналишининг "Қувноқ қизлар +1" жамоаси иккинчи, педагогика-психология йўналишининг "Жиззахлик жиянлар" жамоаси учинчи ўринни эгалладилар. Тадбир сўнгида дастур қатнашчилари янги йил совғалари олдилар.

## Ўртимиз тинчлиги ишончли қўлларда



Тинч элнинг боғи гуллайди. (Халқ мақоли)

Ватан – инсоннинг киндик қони тўкилган тупроқ. Уни қамол топтира-диган, ҳаётига маъно-мазмун бахш этадиган табарруқ макон. У авлодлардан-авлодларга қоладиган буюк ва қадрли мерос, энг азиз хотира. Ватан ота-боболаримизнинг ҳоқиқатлари жо бўлган, вақти-соати етиб ҳар биримиз бош кўядиган муқаддас заминдир. Ватани борнинг бахти бор, гурур, ифтихори бор, юксак орзу-мақсади, аниқ мудаоси бор. Тоғдек таянчи Ватани борлигини ҳис этган ҳар бир инсон ҳаётнинг ҳар қандай синовларига тайёр туради. Ана шу Ватанининг тинчлиги ва осойишта-лигини юксак қадрлайди, унинг равнақи учун ўз ҳиссасини қўшишга интилади. Ватан равнақи аввало фарзандларимизнинг қамолига боғлиқ. Ўрт тинчлиги эса Ватан тараққийотининг асосидир.

Инсоният ўз тараққийотининг барча босқичларида тинчлик ва тотувликка интилиб келган. Бизнинг халқимиз тинчликни юксак қадрлайди. "Тинч элнинг боғи гуллайди" дейди халқимиз. Дарҳақиқат, биз ҳар бир отаётган тонгни шукроналик билан қарши оламиз, болажонларимиз боғча ва мактабларига, катталар ўз юмушларига хотиржамлик билан кетадилар. Кунларимиз тинч ва осойишта ўтмоқда, бир пиёла чойни бағри бутунлик билан ичамиз. Биз тинчликсевар эл фарзандларимиз. Тинчлик тушунчаси бизнинг қон-қонимизга сингиб кетган.

Нуроний кексаларимизнинг нияти-тинчлик, оналаримизнинг тилаги, болаларимизнинг истиаги-тинчлик. Нафакат юртимизда, бутун дунёда тинчлик бўлишини истаймиз. Халқимизда "Тинчлик бўлса, юз миллат тил топишад" деган доно мақол бор. Бир мамлакатда бўлиб турган нотинчлик, бошқа мамлакатлар тинчлигига ҳам раҳна солмай қолмайди. Юртимизда яхши ният билан амалга ошираётган эзгу ишларимизга ҳам ўз таъсирини ўтказиши турган гап. Диёримизнинг гуллаб-яшнаши, барча соҳаларда қўлга киритаётган муваффақиятларимиз, истиклол ғояларининг юксалиб бориши, албатта, тинчлик, осойишталик туфайли. Лекин, афсуски, халқимизнинг бундай ютуқларини кўра олмайдиган ёвуз кучлар ҳам бор. Динни никоб қилиб олган ёвуз ниятчи, кўнгли қора кучлар юртимиз тинчлигини бузишга ҳаракат ҳам қилиб кўридилар. Бирок уларнинг уринишлари халқимизнинг иродасини бука олмайди. Озодликка эришган халқ ҳеч қачон ўз эркини бировга бериб қўймаслигини, ота-боболардан мерос бўлиб қолган муқаддас заминнинг бир қаричини ҳам ўзгаларнинг топташига йўл қўймаслигини, уни асрашга қодир эканлигини кўрсатиб қўйди.

Биз ҳар қандай ёвуз кучларга қарши курашда Ватан ҳимоячиларига сўянамиз.

Тарихдан ҳам маълумки, юртимизнинг бошига оғир синовли кунлар тушганда, унинг озодлиги, осойишталигини ҳимоя қилишга қодир мард фарзандлар кўрагини қалқон қилиб, ёвга қарши чиққанлар.

Мустиқилликка эришганимиздан сўнг Ўзбекистон Қуролли кучларининг шаклланиши ва ривожланиши катъий ҳуқуқий асосда олиб борилмоқда. Ватанимиз ҳимоячилари тинчликни асраш, юртимизни тажовузкор кучлардан ҳимоя қилишга доимо тайёр.

Дунёда ялпи тинчликни барқарор этиш учун, аввало ҳар бир мамлакат ўз тинчлиги ва барқарорлигини таъминлаши зарур. Зеро, юрт тинчлиги-улкан бойлик. Ўзбекистонимизда тинчлик барқарор. Миллий мафкурамизнинг асосий ғояларидан бири ҳам-юрт тинчлиги. Бу борада Президентимиз Ислам Қаримовнинг олиб бораётган доно сийёсати катта аҳамиятга эга.

Тинчликни асраб-авайлашга ҳисса қўшиш ҳар бир юртдошимизнинг муқаддас бурчи бўлмоғи зарур. Фарзандларимизни юртга содиқлик ва муҳаббат, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тарбиявий ишларимизнинг ўзаги бўлиши керак. Бу туйғуларсиз Ватан ҳимоячисини тасаввур этиб бўлмайди. Ватанпарварлик туйғуси, бу ўз мустиқил Ватанидан, унинг мустиқиллик йўлидаги ютуқларидан, шонли тарихи ва буюк аждодлари меросидан фахрланишдир.

Муборак ҳадисларда "Ватани севмоқ иймондандир" дейилади, зеро ҳамюртимиз, сеvimли шоир Саъдулла Ҳаким ёзганидек:

**Баногоҳ чўққидан қулса-бир тош,  
Тоғ пойига тушар, тоғни тарк этмас.  
Эт билан тирноқдек бир жону бир тан,  
Ватандан яралган —  
Ватандан кетмас.  
Кўёшга интилган ҳавойи буғлар,  
Баланд парвозларни қилса ҳам ҳавас.  
Бир кун қайтиб келар ўкириб-йиғлаб,  
Ватандан яралган —  
Ватандан кетмас.  
Улуғлар юксалар ер остида ҳам,  
Ҳайкал бўлиб ўсар, эли унутмас.  
Шаҳидлар боғидан куйлаб ўтаман,  
Ватандан яралган —  
Ватандан кетмас.**

Аваз КЕНЖАЕВ,

Рус тили ва хорижий адабиёт кафедраси ўқитувчиси.

## ЗИҲО ЧАШМАСИ

### МУАССИС:

Абдулла Қодирий номидаги  
Жиззах Давлат педагогика  
институту

Бош муҳаррир: Абдукарим ШАРИПОВ

Редакцияга келган хатлар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Газета Жиззах вилоят Матбуот ва ахборот бошқармасида 2006 йил 26 декабрда 06-017 рақами билан рўйхатга олинган.

Босишга топширилган вақти — 19.00  
Топширилди — 18.00  
Навбатчи: М. Абдуллаев

Манзил: Ш.Рашидов шоҳ кўчаси,  
Абдулла Қодирий номидаги Жиззах  
Давлат педагогика институти.

«Zamin Print» МЧЖ босмахонасида офсет усулида 6000 нусхада босилди. Манзил: Жиззах шаҳри, Сайилжойи кўчаси, 4-уй. Буюртма № 37. Shaki. A-3.